

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЯДИГАРОВ ЭЛДОР МАХМАДИЁРОВИЧ

**ЮҚОРИ АНИҚЛИКДАГИ МАГНИТ ЎЛЧАШ УСУЛИНИ МАЪДАНЛИ
ЗОНАЛАРНИ АНИҚЛАШДА ҚЎЛЛАШ
(ШИМОЛИЙ НУРОТА ХУДУДИ МИСОЛИДА)**

04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation
on geological and mineralogical sciences**

Ядигаров Элдор Махмадиёрович

Юқори аниқликдаги магнит ўлчаш усулини маъданли зоналарни
аниқлашда қўллаш (Шимолий Нурота худуди мисолида)..... 3

Ядигаров Элдор Махмадиёрович

Применение высокоточной магнитной съемки для выявления рудных
зон (на примере территории Северного Нуратау)..... 19

Yadigarov Eldor Maxmadiyorovich

Application of high precision magnetic survey to identify ore zones (case of
Northern Nuratau)..... 33

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....36

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЯДИГАРОВ ЭЛДОР МАХМАДИЁРОВИЧ

**ЮҚОРИ АНИҚЛИКДАГИ МАГНИТ ЎЛЧАШ УСУЛИНИ МАЪДАНЛИ
ЗОНАЛАРНИ АНИҚЛАШДА ҚЎЛЛАШ
(ШИМОЛИЙ НУРОТА ҲУДУДИ МИСОЛИДА)**

04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/GM53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://www.seismos.uz/>) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Максудов Сабитжан Хамидович физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Раджабов Шухрат Сайфуллаевич геология-минералогия фанлари доктори Нуртаев Бахтиёр Сайфуллаевич физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 30 декабрь соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 241-51-70, факс: (99871) 241-74-98, e-mail: seismologiya@mail.ru, www.seismos.uz).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (875-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй. Тел.: (99871) 241-51-70.

Диссертация автореферати 2020 йил « 17 » декабрда тарқатилди.

(2020 йил 27 ноябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси).



Қ.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Л.А.Хамидов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, ф.-м.ф.д.

Ш.С.Раджабов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раис ўринбосари, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш тадқиқотлари, ер қаъридаги маъданларнинг физик майдонларини миқдорий жихатдан талқин қилиш долзарб ҳисобланади. Бунда маъданларнинг физик майдонларини таҳлил этишда геофизиканинг тескари масалаларини ечиш муҳим ўрин тутди. Дунёнинг ривожланган давлатларида маъдан жинсларининг физик майдонларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва дастлабки чегараларини баҳолаш муҳим омил деб қаралади. Ер қаърининг ҳолатини чамалаш, табиий ва техноген омиллар таъсирида ер қаъридаги хўжалик фаолиятига, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ўзгаришлар билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга барҳам бериш ишлари мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, барқарор ривожлантириш масалаларида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда маъдан жинсларининг геофизик майдонларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан АҚШ, Россия, Хитой, Хиндистон ва Марказий Осиё давлатларида фойдали қазилмаларга бўлган талабни қондириш мақсадида кенг қамровли геофизик тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бундай илмий ёндашув асосида фойдали қазилма конларини қидириш ва разведка қилиш тадқиқотлари, ер қаъридаги маъданларнинг физик майдонларини миқдорий жихатдан талқин қилиш масалаларини ечиш услубиятини такомиллаштириш йўналишида Давлат миқёсида чоратадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилади.

Мамлакатимизда изчил ривожланаётган, темирга эҳтиёжи катта бўлган саноат соҳаларини маҳаллий темир маъдани хом ашёлари билан таъминлаш бўйича муайян илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан темир маъданли конларни очиш, саноат миқёсидаги темир маъданли конларни излаш, республикада темирга оид минерал-хом ашё базасини яратиш ҳамда геология-разведка ишлари жадаллаштирилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланишни таъминлаш...»¹ устивор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда геофизик қидирув усулларни такомиллаштириб темирга бой маъданли зоналарни аниқлаш ва юқори аниқликдаги магнит ўлчовлар билан уларни баҳолашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 24 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3004-сонли ва 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сонли қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. 1957-1962 йиллар мобайнида П.Н.Подкопаев ва бошқалар томонидан Шимолий Пистали, Писталитов ва Хонбандитов ёнбағирларида 1:25 000 - 1:50 000 миқёсдаги геологик-тасвирлаш ишлари олиб борилган.

Ўтган давр мобайнида ўтказилган темирга бой маъданли конлар жойлашган ҳудудларни геофизик усулларда разведка қилиш ва тадқиқ этиш ишлари натижалари етарли даражада умумлаштирилмаган. Олиб борилган тадқиқотларда асосан сифатни яхшилашга эътибор қаратилган, миқдорий жиҳатдан комплекс ҳолатда етарлича ўрганилмаган. Ўз навбатида, тадқиқот ишлари юқори аниқликдаги магнит ўлчаш технологияларидан фойдаланиш орқали маъданли зоналарни аниқлаш, уларни векторли хариталарда ифодалаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш каби мутлақо янги имкониятларни очиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтида илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-ФА-2017-8-1 «Чимқурғон темир маъданли ҳудудида магниторазведкани қидирув-разведка ишларини оптималлаштириш учун таклифларни ишлаб чиқиш учун қўллаш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади қалин бўлмаган чўкинди тоғ жинслари остида жойлашган фойдали қазилма конлари ва маъданли майдонлар ҳудудларида юқори аниқликдаги магнит қидирув усулини қўллаш бўйича геологик-қидирув ишларини оптималлаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Шимолий Нуротанинг шимолий этакларида илгари олиб борилган геофизик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш;

Чимқурғон, Темиркон конлари ҳудудларида ва Егербелитов, Омондара маъданли майдонлар ҳудудларида юқори аниқликдаги магнит қидирув дала ишларини амалга ошириш;

ер магнит майдон аномалияларини аниқлаш ва миқдорий жиҳатдан талқин этиш;

Шимолий Нурота худудида ўтказиладиган геология-қидирув ишларини оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Чимқўрғон, Темиркон конлари ва Егербелитов, Омондара маъдан худудлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аниқланган магнит майдонининг аномалияларини геологик талқини натижасида темир конлари ва маъданли намоёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажариш давомида стационар режимли ва кузатиш нуқталарида (профил, маршрут ва майдон бўйича) юқори аниқликдаги магнит қидирув усули қўлланилган. Дала ишларида ер магнит майдонининг тўлиқ векторининг модули (Т) ўлчанган. Ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлили натижалари юқори аниқликдаги (0,3-0,5 нТл) магнит қидирув усули асосида ажратилган аномал майдонларни миқдорий жиҳатдан қайта ишлаш ва талқин қилиш усулларига асосланган. Юқорида келтирилган усуллар геодинамик полигонларда, кучли зилзилалар содир бўлган эпицентрал худудларда, техноген объектлар (Чорвоқ сув омбори, Полторацк газ сақлагичи, Шўртон, Кўкдумалоқ, Зеварда нефт-газ конлари) худудларида муваффақиятли синовлардан ўтказилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темиркон, Чимқўрғон конлари ва Егербелитов, Омондара маъданли худудларида магнит майдоннинг батафсил аномалиялари талқин қилиниб аниқланган ҳамда тавсия этилган жойларда бурғу қудуқлари маъдан таналарини кесиб ўтгани асосланган;

Темиркон, Чимқўрғон, Егербелитов, ва Омондара худудларидаги 28 та профилларда ажартилган магнит аномалияларининг талқинидан маъдан танасигача бўлган чуқурлик, маъдан танасининг кенглиги, узунлиги, қатламларнинг ётиш бурчаклари ва магнитланганлик даражалари аниқланган;

магнит майдони аномалияларининг шакли ва қийматлари бир хил бўлсада Чимқўрғон, Егербелитов ва Омондара темир маъданли таналар жанубга, Темирконда шимол томонга оғиган ҳолатда ётгани аниқланган;

магнит майдоннинг суткалик вариацияларини батафсил таҳлиллаб худуднинг аномал электр ўтказувчанлик хусусиятига эга эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Чимқўрғон, Эгербелитов, Темиркон ва Омондара худудларида аниқланган магнит аномалиялар хусусиятлари бўйича 28 та профилда аномалияларнинг талқини натижасида маъдан жинсигача бўлган чуқурлик, маъдан танасининг кенглиги ва узунлиги, қатламларнинг ётиш бурчаклари ва магнитланганлик даражалари аниқланган;

Чимқўрғон, Эгербелитов, Темиркон ва Омондара майдонларидаги 28 та профилда қудуқларни бурғилаш жойи бўйича аниқ тавсиялар берилган;

Тавсия этилган қатор нукталарда қудуқлар бурғиланиб олтига нуктада темир маъданли қатламлари кесиб ўтгани аниқланган ва ҳудудда геологик-қидирув ишларида магнит ўлчаш усулининг юқори самарадорликка эгаллиги тасдиқланган.

ГИС технологиялари асосида Шимолий Нуротанинг шимолий ҳудудларининг темир маъданига бой бўлган қисмларининг йирик (1:2 000; 1:50 000) миқёсли аномал магнит майдон хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари 21000 тадан ортиқ нуктада ўтказилган муфассал магнит ўлчаш ва қўл GPS натижаларига таянган. Магнит-ўлчаш профилларининг умумий узунлиги 1 050 000 м.ни ташкил этган. Тадқиқотнинг ишончлилиги магнит қидирув ишларни олиб боришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги синовдан ўтган юқори аниқликдаги магнит қидирув усулини ва замонавий ГИС-технологияларни қўллаш орқали амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимолий Нуротанинг шимолий этакларида чўкинди тоғ жинслари остида темирга бой бўлган геологик таналарни ажратиш, маъданли майдонларнинг аномалияларини сифатли ва миқдорий талқин қилиш, шунингдек геология-қидирув ишларида геофизикани қўллаш жараёнида ГИС-технологияларини қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чўкинди қатлам остида жойлашган темир маъданли конлар ва маъданга бой ҳудудларни аниқлаш, геология-қидирув ишларини мувофиқлаштириш, яъни кўп маблағ талаб этиладиган маълум бир бурғу қудуқлари ўрнига самарадорлиги юқори бўлган кам харжли геофизик қидирув ишларини қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Республиканинг темир хом-ашёсига бўлган талабини қондиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимолий Нуротанинг темир маъданли конлари ҳудудларида юқори аниқликдаги магнит ўлчаш усулини қўллаш бўйича олинган натижалар асосида:

Темиркон, Чимқўрғон конлари ва Егербелитов маъданли ҳудудларида аниқланган магнит майдон аномалиялари «Регионалгеология» ДУК фаолиятига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг 2020 йил 23 октябрдаги №06/10-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудудларда бурғилаш ишларини самарали ташкил этишга имкон берган;

Омондара ва Устахон ҳудудларида аномалияларнинг темир маъданли қатламлари билан боғлиқлиги «Регионалгеология» ДУК фаолиятига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг 2020 йил 23 октябрдаги №06/10-сонли маълумотномаси). Натижада Шимолий Нурота ҳудудида темирга бой маъданли майдонларни аниқлашга йўналтирилган геологик қидирув ишларини самарали режалаштиришга хизмат қилган;

Чимқўрғон, Эгербелитов, Темиркон ва Омондара ҳудудларида бурғилаш учун белгиланган нуқталар «Регионалгеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг 2020 йил 23 октябрдаги № 06/10 маълумотномаси). Натижада 6 та бурғилаш кудуқларида маъдан танасини имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан 8 таси тезис, 5 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан, 4 таси республикада ва 1 таси хорижий журналда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Шимолий Нурота регионининг геологик-геофизик тавсифи**» деб номланган биринчи бобида ҳудуднинг геологик тузилиши, стратиграфияси, литологияси, тектоникаси ва геофизик усуллар мажмуаси билан ўрганилганлиги келтириб ўтилган. Ўрганилаётган ҳудуд геологик жиҳатдан юқори даражада ўрганилганлиги билан тавсифланади.

Маъданли майдоннинг бутун ҳудуди бўйича ўрта миқёсли чуқур геологик хариталаш ишлари олиб борилган. Тадқиқот ҳудуди тектоник жиҳатдан Жанубий Тянь-Шань билан Ўрта Тянь-Шаньнинг туташган қисмига тааллуқли. Юқорида келтирилган зона таркибидаги Чимқўрғон свитасида Чимқўрғон ва Темиркон темир конлари жойлашган бўлса ҳам, улар геологик-тектоник жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилиши аниқланди.

Чимқўрғон свитасининг юқоридаги қатламлари билан тектоник туташган ва йўналиши бўйича жануби-шарқдан шимоли-ғарб томонда Хонбандитов, Кўлсуюк, Учқулоч свиталари билан, жанубда Жанубий Писталитов ер ёриғи бўйлаб Нурота тоғолди ҳудуди билан бевосита чегарадош. Чимқўрғон свитасининг энг тўлиқ стратиграфик кесими

Темиркон кони майдонида ифодаланган бўлиб, бурғилаш ишлари билан аниқланган қалинлиги 800 м чуқурликгача ўрганилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг геологик-тектоник тузилиши, стратиграфияси, литологияси, ер ёриқлари, мавжуд свита ва яруслари, ҳудуднинг геофизик ўрганилганлиги бўлимида қўлланилган аэромагнит, гравик-қидирув, сейсмик-қидирув тадқиқот натижалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Чимқўрғон свитасининг вулқоноген-чўкинди қатламида (ўрта девон) гематит-магнетит маъданларининг стратиформ жойлашган уюмлари аниқланган, чегаравий миқдор 25% бўлган ҳолда, темирнинг ўртача миқдори 32% ни ташкил этган.

Ҳудуднинг палеозой бурмаланиш комплекси девон ва тошқўмир тизими ётқизиклари билан ифодаланган, ер юзида фақатгина Писталитов ва Олдинги тизмаларигина очилиб қолган, улар ушбу баландликларнинг ғарбий ва шарқий этакларида қалинлиги 100 м ва ундан ортиқ бўлган тўртламчи давр ётқизиклари билан қопланган.

Шимолий Нурота тизмаларининг шимолий ён бағри тектоник жиҳатдан жуда мураккаб ҳудуд ҳисобланади. Бунга яққол мисол қилиб, Темиркон ҳудудида қазилган 10 та бурғу қудуқларининг маълумотлари асосида тузилган геологик кесимларда тоғ жинслари фациал таркибининг вертикал ва латерал йўналишларида ўзгарувчанлигини кўрсатиш мумкин.

Маълумки ҳудудда тектоник жиҳатдан ҳар хил рангдаги (даража) ер ёриқлари мавжуд. Булар шимоли-ғарб, шимол ва шимоли-шарқ йўналишларида жойлашган. Уларни орасида Шимолий Нурота минтақавий ер ёриғи, Жанубий Писталитов, Тузкон ва Хонбандитов, Шимолий Учқулоч ва шунга ўхшаш кўплаб структуравий-формацион зоналар мавжуд бўлиб, улар ҳудуднинг мураккаб тектоник ҳолатини белгилайди.

Ҳудудда олиб борилган геофизикавий изланишлар (аэромагнит, ер магнит қидирув, гравик қидирув, сейсмик қидирув) ҳудудда катта ҳажмда ва узоқ йиллар давомида олиб борилганлигига қарамай, аэромагнит қидирув усулидан ташқари бошқа усуллар майдони бўйича кичик-кичик ҳудудларда ўтказилган. Ечилган масалалар ҳам тор доирадаги мақсадларни кўзда тутган.

Шундай қилиб ҳудуднинг геологик жиҳатдан мураккаблигини ҳисобга олиб, ҳозирги вақтга қадар геологик-геофизик ўрганилганлигига қарамасдан комплекс батафсил геологик-геофизик изланишларни олиб бориш юқори самарадорликга эришиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Магнит қидирув усули ва унда қўлланилган магнитометрлар**» деб номланган иккинчи бобида юқори аниқликдаги магнит қидирув ишлари учун қўлланилган аппаратуралар келтириб ўтилган. Бугунги кунда магнит қидирув усули структуравий геология, тектоник районлаштириш, турли ўлчамдаги геологик хариталаш, ер ёриқларини чегараларини аниқлаш, темирга бой бўлган маъдан таналарини қидириш, руда ва норуда фойдали қазилма конларини қидиришда кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари кимберлит трубкаларини излашда ва ҳар хил гидрогеология ва муҳандислик геологияси масалаларини ечишда,

археологик масалаларни ечишда ҳам қўлланилади. Бошқа геофизик усуллар билан биргаликда регионал геология ва минтақавий тузилмаларни ажратиш масалаларини ҳал қилишда ҳам қўлланилади. Магнит қидирув усулининг бошқа геофизик усуллардан фарқи шундаки бу усул кўп маблағ талаб қилмайди. Бошқа геофизик усулларига нисбатан анча иқтисодий самарадор усул ҳисобланади ва натижаси юқорилиги бўйича бошқа геофизик усуллардан ажралиб туради. Магнит қидирув ишлари далада (ер юзасида пиёда ва автомобилда), аэромагнит қидирувда, денгизда (гидромагнит қидирув), ер остида ва бурғу қудуқларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти олимлари томонидан яратилган юқори аниқликдаги магнитометрик усул геодинамик полигонлар, техноген объектлар (Чорвоқ сув омбори, Полторацк газ омбори (сақлагичи), Шўртан газ кондендат кони, Памук, Кўкдумалоқ, Зеварда нефть ва газ конлари) ҳудудларида муваффақиятли синовдан ўтказилган. Техноген объектлар ҳудудларида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида муҳим илмий ва амалий натижалар олинган.

Магнит аномалияларни ўлчашдаги хатолик қийматлари ва фойдаланилган протон магнитометрлар турлари ҳақидаги батафсил маълумотлар жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1- жадвал

Фойдаланилган магнитометр турлари ва уларнинг аномалияни ажратишдаги хатоликлар қиймати

Тадқиқот олиб борилган йил	Магнитометр тури	Бир марта ўлчашдаги хатолик, нТл	Аномалияни ажратишдаги хатолик, нТл
1968-1970 йиллар	ПМ-001, ПМ-5 магнитометр ПМП (Польша)	1,0÷2,0	2,0÷3,0
1971-1973 йиллар	М-32, ММП-203	1,0÷1,5	1,5÷2,5
1974-1979 йиллар	ТМП	0,1÷0,2	0,5÷0,8
1980-1990 йиллар	ТМП, МПП-1, МПП-1М, МПП-102	0,1÷0,3 0,3÷0,5	0,5÷0,8 0,6÷1,0
1990-йилдан ҳозирги вақтгача	МПП-1, МПП-1М, МВ-01	0,1÷0,3 0,1	0,5÷0,8 0,3÷0,5
2013 йилдан ҳозирги вақтгача	Geometrics 856AX МВ-01	0,1	0,2÷0,5

Тадқиқот ишлари йўналиш (профиллар) бўйича ҳар бир нуқтада ва таянч пунктда ўлчовлар синхрон равишда (фарқлари 1–2 сония) амалга оширилган.

Олиб борилган тадқиқот ишлари давомида таянч нуқтада МВ-01 магнитометрдан фойдаланилди. Дала ўлчов ишлари олиб боришда эса Geometrics-G-856AX (АҚШ) магнитометридан фойдаланилди. Магнитометрларнинг аниқлиги 0,1 нТл ташкил этади.

Изланишлар олиб борилган ҳудудда магнит қидирув ишлари 2 босқичда: локал ва детал миқёсида олиб борилди. Ҳар бир босқичда дала тадқиқотлари билан параллел равишда камерал-тахлилий ишлар олиб борилди.

Камерал ишларида маълумотларни *xls формат орқали маълумотлар базасига келтирилди. ArcGIS дастурининг махсус таҳлил модули ёрдамида ҳудуднинг магнит майдон харитаси тузилди. Харитада келтирилган мусбат (ёки манфий) қийматли зоналарга тўғри келган маршрутлар интерваллари белгилаб олинди. Ажратиб олинган профиллар қийматлари *xls форматга ўтказилиб, ер магнит майдонининг (ΔT) графиги тузилди.

Диссертациянинг «**Магнит қидирув усули ёрдамида маъданли майдонларни аниқлаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида Чимкўрғон, Егербелитов, Темиркон ва Омондара ҳудудларида юқори аниқликдаги магнит қидирув ишларининг натижалари келтирилган.

Биринчи бобда келтирилганидек бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка қилиш бўйича аэромагнит тасвирлаш ишлари ёрдамида регионал миқёсида кузатув ишлари етарли даражада олиб борилган. Майда миқёсдаги тузилган аномал магнит майдони харитаси умумий ҳолат бўйича маълумот беради, аниқлиги батафсил геология-қидирув ишлари учун етарли эмас.


Чимкўрғон, Егербелитов, Темиркон ва Омондара ҳудудларида юқори аниқликдаги батафсил магнит ўлчаш ишларининг натижалари келтирилган. 2017-2018 йиллар давомида 1050 км профил бўйича 21 мингта нуқтада юқори аниқликдаги магнит ўлчаш ишлари ўтказилди (миқёси 1:50 000 ва ундан йирик) ва дастлабки қайта ишлаш натижалари асосида Чимкўрғон темир конининг батафсил магнит майдони харитаси тузилди (1-расм).

Тадқиқот ҳудудида ўтказилган юқори аниқликдаги магнит ўлчаш натижалари шуни кўрсатдики, ер магнит майдонининг ҳудуддаги ўртача қиймати тахминан 50 нТл га тенг (Чимкўрғон таянч пунктига нисбатан).

Ушбу ўртача қийматга нисбатан мусбат ва манфий қийматларга эга бўлган магнит майдон аномалиялари аниқланди.

Тадқиқот ҳудуди магнит майдонининг минимал манфий қиймати -750 нТл га ва максимал мусбат қиймати 1560 нТл га тенг эканлиги аниқланди. Аномал майдоннинг ғарб-шарқ йўналишдаги узунлиги 12-13 километр, мусбат ва манфий қийматли майдоннинг умумий кенглиги эса 3-4 километрни ташкил этади.

Аномал майдон Писталитов тоғининг жанубида 2-2,5 километр узоқликда жойлашган бўлиб, аномал қийматга эга бўлган ҳудуд шарқий қисмининг чегараси Чимкўрғон қишлоғининг жануби-ғарбий чеккасигача давом этган.



1-расм. Чимқўрғон темир кони ҳудуди аномал магнит майдони харитаси

Чимқўрғон темир кони ҳудудида ўтказилган маршрутларнинг 13 таси бўйича аномалия талқин қилиниб, маъдан танасининг чуқурлиги, эни, ётиш бурчаги ва магнитланганлик даражаси аниқланди (2- жадвал).

2-жадвал


Чимқўрғон темир кони ҳудудида профиллар бўйича магнит аномалияларини талқин қилиш натижалари

Тартиб рақами	Профиль рақамлари	Темир маъданли қатламнинг кўрсаткичлари			
		Чуқурлиги, h (м)	Кенглиги, L (м)	Ётиш бурчаги (Жанубга)	Магнитланганлик даражаси J (10^{-6} СГС)
1.	№1	87,5	153	71°	3307
2.	№2	70	115	73°	3646
3.	№3	55	90	72°	2062
4.	№4	60	120	73°	2122
5.	№5	150	250	71°	1256
6.	№6	140	300	70°	974
7.	№7	173	320	72°	1076
8.	№8	100	275	73°	794
9.	№9	200	475	71°	1379
10.	№10	158	375	73°	707
11.	№11	286	448	70°	73
12.	№12	232	342	72°	42
13.	№13	316	670	71°	40

Юқори аниқликдаги магнит қидирув усули билан ўлчаш ишлари 2018 йилдан бошлаб Темиркон темир кони ҳудудида (1:50 000 ва йирик миқёсда) олиб борилди. Магнит қидирув ишларини олиб бориш давомида аномал магнит майдоннинг намоён бўлишига қараб, профиллар орасидаги масофа 500 метрдан 250 метргача нукталар орасидаги масофа эса 50 метрдан 10 ўзгариб борди. Магнит қидирув ишлари шимол-жануб йўналиши бўйича профилларда олиб борилди (2-расм).

Бу майдонда ҳам Чимқўрғон каби аномалиянинг манфий қисми мусбат аномалиянинг шимол томонида жойлашган.

Темиркон темир кони ҳудудида ўтказилган профиллардан 5 таси бўйича аномалия талқин қилиниб, маъдан танасининг чуқурлиги, эни, ётиш бурчаги ва магнитланганлик даражаси ҳисобланди (3-жадвал).



2-расм. Темиркон кони ҳудудининг аномал магнит майдони харитаси

Магнит қидирув усули ёрдамида 2017 йилнинг ёз-куз ойларида Писталитовнинг жанубий қисмида, яъни Егербелитов тоғининг шимолий ёнбағрида юқори аниқликдаги магнит қидирув ишлари (1:50 000 ва ундан йирик) миқёсда олиб борилди.

Бу ерда профиллар аввал шимоли-шарқий йўналишда 1 км масофа оралиғида ўтказилди. Аномалия қайд қилинган ҳудда профиллар ораси 250-500 метр, ўлчаш нукталарининг оралиғи 25 метргача қисқартирилди.

Аномалияни янада батафсил қайд қилиш учун жануб-шимол ва ғарб-шарқ йўналишда ҳам профилларда ўлчаш ишлари олиб борилди. Натижада мусбат ва манфий аномалияларнинг энг юқори қийматлари ва шакли батафсил аниқланди.

3-жадвал

Темиркон кони ҳудудида аномал магнит майдон қийматларини талқин қилиш натижалари

№ пп	Профиль рақамлари	Темир маъданли қатламнинг кўрсаткичлари			
		Чуқурлиги, h (м)	Кенглиги, L (м)	Ётиш бурчаги (Шимолга)	Магнитланганлик даражаси J (10^{-6} СГС)
1	№1	260	445	73°	156
2	№2	216	401	73°	265
3	№3	204	347	73°	258
4	№4	186	343	73°	284
5	№5	241	407	73°	122

Ўтказилган профиллардан 9 таси бўйича аномалия талқин қилиниб, маъдан танасининг чуқурлиги, эни, ётиш бурчаги ва магнитланганлик даражаси аниқланди (4-жадвал).

Омондара ва Устахон ҳудудларида 2018 йил куз ойларида сийрак профиллар бўйича магнит қидирув ишлари олиб борилди. Ўлчаш ишлари Эгизбулоқ қишлоғидан бошланиб Шимолий Нурота тоғ тизмалари Омондара, Устахон ва Қорахон ҳудудларида олиб борилди ва дастлабки натижалар олинди. Олинган натижаларни ГИС дастури ёрдамида қайта ишланиб Омондара ҳудудининг магнит майдонининг тўлиқ бўлмаган харитаси яратилди.

Омондара ҳудудининг магнит майдон харитасида энг юқори мусбат ва манфий қийматли профиллар танлаб олинди, ушбу профиллардаги нуқталар қийматларини *xls дастури орқали графиги тузиб олинди. Ҳосил бўлган аномал график геологик талқин қилиниб маъдан танасининг чуқурлиги, кенглиги, ётиш бурчаги каби маълумотлар олинди.

Чимқўрғон, Бозайгир, Егербелитов, Учқулоч, Омондара ва Устахон ҳудудларида магнит майдонининг суткалик вариациялари қайд қилинди. Ҳудуднинг майдони тахминан 750 м^2 ни ташкил этади. Ҳудуднинг турли жойида 15 та нуқтада суткалик вариациялар қайд қилинди.


Егербелитов худудида маъдан танасининг аномал магнит майдон қийматларини талқин қилиш натижалари

№ пп	Профиль рақамлари	Темир маъданли қатламнинг кўрсаткичлари			
		Чуқурлиги, h (м)	Кенглиги, L (м)	Ётиш бурчаги (Жанубга)	Магнитланганлик даражаси J (10^{-6} СГС)
1	№1	165	396	71°	738
2	№2	211	426	71°	1401
3	№3	199	282	73°	1412
4	№4	207	448	73°	253
5	№5	219	418	72°	268
6	№6	208	544	70°	317
7	№7	212	402	73°	269
8	№8	162	398	73°	1344
9	№9	61	216	72°	2305

Хамма нуқталарда суткалик вариация Янгибозор магнит обсерваториясига нисбатан аномал ҳолда ўтиши аниқланди. Бу натижалар илгари ўтказилган минтақавий магнит теллурик зондлаш ва магнитометрик изланишлар натижаларига мос келади ва тадқиқот олиб борилган ҳудуд минтақавий аномал электр ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган ҳудуднинг таркибига кириши батафсил ва аниқ маълумотлар билан тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Олинган натижаларнинг муҳокамаси**» деб номланган тўртинчи бобида Шимолий Нурота тоғ тизмаларининг шимолий ён бағрида олиб борилган магнит қидирув натижалари муҳокама қилинди. Чимқўрғон, Егербелитов ва Темиркон темир конларида олиб борилган магнит қидирув натижалари таҳлил қилинди. Натижада маъдан танаси Чимқўрғон темир конида ва Егербелитовда жанубга қараб 70-73° бурчак остида, Темиркон темир конида эса шимол томонга қараб 73° бурчак остида ётганлиги аномалияларни геологик талқин қилинганда олинди. Чимқўрғон, Егербелитов, Темиркон худудларида қайд қилинган магнит майдон аномалиялари шакли жиҳатдан бир бирига ўхшашлиги аниқланди (3-расм).

Маълумки, магнит қидирув усулини тескари масалаларини ечишда бир хил шаклдаги магнит аномалияси ҳар хил чуқурликдаги ва ҳар хил шакл ва бурчак остида ётган геологик таналар билан боғлиқ бўлиши мумкин.



3-расм. Темиркон, Чимқўрғон ва Егербелитов ҳудудларидаги аномал қийматга эга бўлган профиллар графиги

Бизнинг ҳолатда Чикўрғон темир кони, Егербелитов темир маъданига истиқболли ҳудуд ва Темиркон конида аномалиялар бир хил шаклга эга. Учта ҳудудда аномалияларнинг катта ўқи ғарб-шарқ йўналишида жойлашган.

Бунда манфий аномалия мусбат аномалиянинг шимол томонида жойлашган. Ушбу шаклдаги аномалия анъанавий ҳолатда ер сатҳига нисбатан катта бурчакда (тик) ётган геологик таналарга хос. Юқорида айтилганидек, Чимқўрғон ва Егербелитовда маъданли қатлам жанубга Темиркон кони ҳудудига шимолга оғиб ётиши аниқланди.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. Темиркон, Чимқўрғон конлари ва Егербелитов маъданли ҳудудларида аномал магнит майдоннинг аниқ чегаралари қайд қилинган. Аномалияларнинг темир маъданли таналар билан боғлиқлиги тавсия этилган жойларда 6 та нуқтада қазилган бурғу қудуқлари натижалари билан тасдиқланган ҳамда ушбу ҳудудларда бурғилаш ишларини самарали ташкил қилинган.

2. Темиркон, Чимқўрғон, Эгербелитов ва Омондара ҳудудларидаги 28 та аномалиялар талқини натижасида маъдан танасигача бўлган чуқурлик, маъдан танасининг кенлиги ва узунлиги, қатламларнинг ётиш бурчаклари ва магнитланганлик даражалари аниқланган ва Шимолий Нурота ҳудудида темирга бой маданли майдонларни ажратишга йўналтирилган геологик қидирув ишларини режалаштиришга тавсия қилинган.

3. Магнит майдони аномалияларининг шакли ва қийматлари бир хил бўлсада Чимкўрғон, Егербелитов ва Омондарада темир маъданли таналар жанубга, Темирконда шимол томонга оғишдалиги аниқланган.

4. Магнит майдоннинг суткалик вариацияларини батафсил ўрганилиб ҳудуднинг аномал электр ўтказувчанлик хусусиятига эга эканлиги тасдиқланган ва ҳудудда ўтказиладиган электр қидирув ишларидаги муҳим илмий-амалий аҳамияти изоҳланган.

5. Кучли зилзилаларни прогноз қилиш муаммоси доирасида яратилган юқори аниқликдаги магнит майдонни ўлчаш усули геология-қидирув ишларини олиб боришда унинг тезкорлиги, ишончлилиги ва юқори самарадорлиги туфайли фойдали қазилма конларини қидириш ҳамда разведка қилиш ишларида ҳам кенг фойдаланишга тавсия қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

ЯДИГАРОВ ЭЛДОР МАХМАДИЁРОВИЧ

**ПРИМЕНЕНИЕ ВЫСОКОТОЧНОЙ МАГНИТНОЙ СЪЕМКИ ДЛЯ
ВЫЯВЛЕНИЯ РУДНЫХ ЗОН
(НА ПРИМЕРЕ ТЕРРИТОРИИ СЕВЕРНОГО НУРАТАУ)**

04.00.06 - Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2019.1.PhD/GM53 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии АН РУз.

Автореферат диссертации (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<https://www.seismos.uz>) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Максудов Сабитжан Хамидович доктор физико-математических наук
Официальные оппоненты:	Раджабов Шухрат Сайфуллаевич доктор геолого-минералогических наук Нуртаев Бахтиёр Сайфуллаевич кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится « 30 » декабря, 2020 года, в 14.00 часов на заседании Научного совета № DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте Сейсмологии, (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: (99871) 241-51-70, факс: (99871) 241-74-98, e-mail: seismologiya@mail.ru, www.seismos.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Института сейсмологии (регистрационный номер № 875). Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Зулфияхоним, 3. Тел.: (99871) 241-51-70.

Автореферат диссертации разослан « 17 » декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 5 от « 27 » ноября 2020 года)



Қ.Н. Абдуллабеков
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени, д. ф.-м. н.,
академик

Л.А.Хамидов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

Ш.С.Раджабов
Заместитель председателя Научного
семинара при Научном совете, д.ф.-м.н.,
проф.

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике научных исследований в области поиска и разведки месторождений полезных ископаемых актуальным является количественная интерпретация физических полей недр. Решение обратных задач геофизики играет важную роль при анализе физических полей полезных ископаемых. В развитых странах мира определение физических полей минеральных пород, их анализ и оценка начальных границ служит одним из важных факторов разведки полезных ископаемых. В связи с этим оценка состояния недр, выявление, предотвращение и устранение изменений недр под воздействием природных и техногенных факторов, угрожающих экономической деятельности, жизни и здоровью населения, играют важную роль в социально-экономическом развитии страны.

В настоящее время в мире проводятся ряд научных исследований по выявлению физических полей минеральных пород и их анализу, в том числе, в США, России, Китае, Индии и государствах Центральной Азии особое внимание уделяется проведению крупных комплексных геофизических исследований для удовлетворения спроса на полезные ископаемые. Такой научный подход служит совершенствованию методологии решения задач количественной интерпретации физических полей полезных ископаемых при разведке и поисках их месторождений, разработке мероприятий и их реализацию на государственном уровне.

В нашей стране правительство поставило перед Государственным комитетом по геологии и минеральным ресурсам одну из важнейших задач – обеспечить местным железорудным сырьем стабильно развивающиеся отрасли, пользующиеся высоким спросом на железо и в этом направлении, осуществляются широкомасштабные комплексные мероприятия. В настоящем достигнуты определенные успехи по открытию месторождений железа, расширению минерально-сырьевой базы на железо и интенсификации поисково-разведочных работ. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрены меры по «...обеспечение эффективного и комплексного использования природных и минеральных ресурсов на отдельной территории...».² В связи с этим целесообразно провести исследования, направленные на выявление богатых железом рудных зон за счет совершенствования геофизических методов разведки и их оценки с помощью высокоточных магнитных измерений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-3004 от 24 мая 2017 г. «О мерах по созданию единой геологической службы в системе

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам» и №УП-3578 от 1 марта 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию деятельности Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам Республики Узбекистан», а также результаты данной диссертации в определенной степени служат для реализации задач, поставленных в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

